

Тошкентда «МДХ - Ислом банкчилиги ва молияси бўйича форум - 2019» бўлиб ўтади



15:50 / 29.04.2019 2580

2019 йилнинг 2 май куни Тошкентдаги Wyndham меҳмонхонасида “МДХ - Ислом банкчилиги ва молияси бўйича форум - 2019” ўтказилади. 3-4 май кунлари эса «Ислом банкчилиги, такафул ва ислом микромолияси» мавзусида семинар ҳам ташкил этилади. Бу ҳақда muslim.uz хабар берди.

Мазкур тадбирни ташкил этишдан асосий мақсад, тадбиркорларни улар учун янги бўлган Ислом банкчилиги ва молияси соҳаси билан таништириш, унинг имкониятларидан, хориж мамлакатларидан ташриф буюриши кутилаётган мутахассислар, амалиётчи-олимлар ва бошқа меҳмонлар билан соҳада юз бераётган янгиликлардан хабардор қилиш кўзда тутилган.

Ушбу форум ва икки кунлик семинар ташкилотчилари Al Huda ислом банкчилиги ва иқтисодиёти маркази (БАА), «Sheikh Ahmed Bin Obeid Al Maktoum» (SABOAM) халқаро инвестицион компанияси (БАА), ҳамда Ислом тараққиёт банкининг ICD тармоғи ҳисобланади.

Тадбирда ҳамкор давлат идоралари қаторида Ўзбекистон Банклар ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Дин ишлари бўйича қўмита, Капитал бозорни ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон Лизинг берувчилар Уюшмаси ва бошқа кўплаб ташкилотлар иштирок этиши кутилмоқда.

***islom.uz* портали таҳририяти**